

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD 27.06.2017.К.05.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИГАМБЕРДИЕВА ПАРИЗОД КАДИРОВНА

**ЖАНУБИЙ ФАРҒОНА ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРИНИ КИМЁВИЙ
ТАРКИБИГА КЎРА ТИББИЙ-ГИГИЕНИК ТАСНИФЛАШ**

02.00.09 – Товарлар кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Игамбердиева Паризод Кадировна

Жанубий Фарғона доривор ўсимликларининг кимёвий таркибига
кўра тиббий- гигиеник таснифлаш.....5

Игамбердиева Паризод Кадировна

Медико-гигиеническая классификация лекарственных растений
Южной Ферганы на основе химического состава.....21

Igamberdieva Parizod Kadirovna

Medico-hygienic classification of medicinal plants of the Southern
Ferghana on the basis of their chemical composition.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....42

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD 27.06.2017.К.05.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИГАМБЕРДИЕВА ПАРИЗОД КАДИРОВНА

**ЖАНУБИЙ ФАРҒОНА ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРИНИ
КИМЁВИЙ ТАРКИБИГА КЎРА ТИББИЙ-ГИГИЕНИК ТАСНИФЛАШ**

02.00.09 – Товарлар кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2017.1.PhD/K14 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ибрагимов Алиджан Аминович
кимё фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Пулатова Лола Таирхановна
техника фанлари доктори

Исақов Муҳамеджан Юнусович
кимё фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги PhD 27.06.2017.K.05.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «_____» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўч., 19. Тел.: (99873) 244 44 02, факс: (99873) 244 44 91).

Диссертация билан Фарғона давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўч., 19. Тел.: (99873) 244-44-02, факс: (99873) 244-44-91, e-mail: alijon.ibragimov.48@mail.ru).

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

В.У.Хўжаев

Илмий даража берувчи
илмий кенгаш раиси, к.ф.д.

Ш. А. Мамажонов

Илмий даража берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.н. доцент

И.А.Абдугафуров

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д.

Кириш қисми (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда доривор ўсимликлардан фойдаланиб даволаш усулларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда фармацевтик маҳсулотларнинг қарийб 40 фоизи доривор ўсимликлар асосида ишлаб чиқарилмоқда. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, яқин 10 йил ичида фитопрепаратларнинг улуши дори воситаларини истеъмол қилишнинг умумий ҳажмига нисбатан 60 фоизини ташкил қилади. Бу борада ўсимликлардан доривор моддаларни ажратиб олиш, кимёвий таркиби ва биологик фаоллигини аниқлаш, янги биологик фаол моддалар сақлаган ва фармакологик самарадор ўсимликлар хомашёларини ўрганишга оид тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунё миқёсида асрлар давомида халқ табobatiда ва кейинчалик илмий тиббиётда турли хил касалликларни даволаш учун экстракт, тиндирма, брикет, сунъий суюқ аралашма ва тўпламлардан фойдаланиб келинган. Бу каби препаратлар бошқа индивидуал таркибли доривор воситаларга нисбатан арзонлиги, енгил таъсири, аллергик асорати йўқлиги, қулайлиги, табиийлиги каби бир қатор афзалликларга эга. Шунингдек, тўплам препаратлар нафақат доривор воситалар сифатида қўлланилади, балки биологик фаол озиқ-овқат қўшимчалар сифатида ҳам ишлатилиши мумкин.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида фармацевтика саноатини ривожлантириш, аҳоли ва даволаш муассасаларини сифатли, хавфсиз ва арзон дори-дармон воситалари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фармацевтика саноатини ривожлантиришнинг асосий йўналиши – бу хорижий мамлакатлардан олиб кирилаётган дори препаратлари улушини камайтириш ва маҳаллий фармацевтика маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, рақобатбардошликни таъминлаш билан белгиланади. “Республикамизнинг фармацевтика тармоғини ривожлантиришга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга хорижий ва маҳаллий инвестицияларни фаол жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, доривор ўсимликлар хомашёсини етиштиришнинг ноёб шароитларини инобатга олган ҳолда маҳаллий доривор воситалар бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган юқори сифатли дори воситалари билан тўлдириш, уларни чуқур қайта ишлаш ҳамда юқори қўшилган қийматли фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм” ва “Паркент-фарм” эркин иқтисодий ишлаб чиқариш зоналарининг ташкил этилиши¹, ушбу соҳани ривожлантиришнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 майдаги ““Нукус-фарм“, “Зомин-фарм“, “Косонсой-фарм“, “Сирдарё-фарм“, “Бойсун-фарм“, “Бўстонлик-фарм” ва “Паркент-фарм” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони. Lex.uz

устувор йўналишлари сифатида ўз ифодасини топган. Мазкур йўналишлар доирасида маҳаллий ўсимликлардан доривор моддалар ажратиб олиш, улар асосида самарадор ва арзон тўплам препаратлар яратиш устида илмий – тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 октябрдаги «Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2647-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони ҳамда мазкур йўналишга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қадимдан ўсимликлардан турли хил хасталикларни даволаш учун фойдаланиб келинмоқда. Илмий органик кимёнинг бошланишидан буён кейинги 200 йил давомида дунёдаги ўсимликларнинг кўплаб вакиллари кимёвий таркиби ўрганилди. Ушбу жараёнда янги тузилма ва реакциялар ихтиро этилди, ноёб дорилар ишлаб чиқилди. А.П.Орехов, М.М.Шемякин, Ю.А.Овчинников, Р.Karrer, W.Pelletier, K.Nakanisi, Н.Xusson, R.B.Woodvord, С.Ю. Юнусов, А.С.Содиқов, Ш.И.Солихов, Х.Н.Ариповлар бунга ўз ҳиссаларини қўшганлар. Лекин кўплаб ўсимликларнинг кимёвий таркиби ҳали чуқур ўрганилмаган.

“Субстанция”ни дори воситаси ҳолатига олиб чиқиш тезкор ва тежамкор йўлини инobatга олган ҳолда, оригинал препаратлар билан бир қаторда ўсимлик тўпламларидан тайёрланган препаратлар ҳам тиббиёт амалиётига жорий этиш тенденцияси кузатилмоқда. Бу йўналишда Ф.С.Садриддинов, А.Г.Қурмуқов, Н.Т.Тўлаганов, Х.А.Алиев, Ф.Н.Жаҳонгиров каби ўзбек фармаколог олимлари маълум ютуқларга эришганлар.

Дори яратиш жараёнининг шаклланган услуби қўйидаги кетма-кетликда амалга оширилади: ботаник - химик – фармаколог - технолог. Бу занжирнинг марказида маълум ўсимликнинг ўрганилмаган кимёвий таркиби туради. Аммо охириги давр халқаро илмий нашрларида тадқиқот марказига ўсимликнинг даво хусусиятлари қўйилиш услуби ҳам кузатилмоқда. Масалан, «Bionogica» фармацевтик компанияси томонидан ишлаб чиқариладиган самарали урологик восита Канефрон, уч ўсимликнинг сув-спирт эритувчиларидаги экстрактидан тайёрланади. Ўсимлик моддалари кимёси институти олимлари ўхшаш услубни “псоберан” препаратини яратишда қўллаганлар.

Изланишлар натижасида Жанубий Фарғона доривор ўсимликлари таркибидаги органик ва аорганик компонентларидан келиб чиққан ҳолда

турли хасталикларни даволаш ва олдини олиш мақсадида хомашё ишлатилишининг умумий услуби яратилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлар режасининг 5Ф 2.29 рақамли «Фарғона ўсимликларини кимёвий тадқиқ этиш ва улар асосида самарали дорилар яратиш» (1992-1999) ҳамда Ўсимлик моддалари кимёси институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ФА-ФЗ-Т147 рақамли «Истиқболли дори воситаларнинг манбааси бўлган ўсимликлар алкалоидларининг кимёси» (2007-2011) мавзуларидаги фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Жанубий Фарғона доривор ўсимликларини кимёвий таркибига кўра тиббий-гигиеник таснифлаш, доривор хомашёдан профилактик ва шифобахш тўпламларни яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

йиғилган ўсимликлар таркибида қуйи молекуляр биорегуляторларни аниқлаш бўйича сифат анализ олиб бориш;

мавжуд бўлган хомашё турларининг миқдор таҳлилини ўтказиш, умумий унумини аниқлаш ва алоҳида компонентларни ажратиб олиш;

ажратиб олинган индивидуал бирикмаларни тавсифлаш;

ўсимликлардан эфир мойи фракциясини ажратиб олиш ва компонентларни хроматомасс-спектрометрик ўрганиш;

нейтрон-активацион таҳлил услуби билан йиғилган ўсимликларнинг микро ва макроэлемент таркибини ўрганиш;

ўсимлик намуналари ва тўпламларини организмнинг иммун ва бошқа тизимларига кўрсатадиган таъсирини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Жанубий Фарғонада тарқалган шифобахш ўсимликлари 40 та турининг кимёвий компонентлари ва уларнинг организмга кўрсатадиган даволаш хусусиятлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети қуйи молекуляр биорегуляторлар, эфир мойининг компонентлари, терпенлар, ароматик моддалар, уларни ажратиб олиш, уларнинг тузилиши, физиологик таъсири, микроэлементлар, макроэлементлар ва уларнинг организмдаги фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишни бажаришда табиий бирикмаларни таҳлил қилишнинг замонавий физик-кимёвий (хроматография, ЯМР, ИҚ, УБ, масс, хроматомасс-спектрометрия, нейтрон-активацион таҳлил) усуллари, моддаларни ажратиб олишда қаттиқ-суюқлик, суюқлик-суюқлик экстракция, хроматографик бўлиш ҳамда биологик фаоллигини аниқлашнинг фармакологик методи қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

биринчи марта *Marrubium anisodon* ўсимлигининг тоғ минтақаси намуналаридан индивидуал ҳолатда алкалоид стахидрин ҳамда дитерпен

синфига мансуб нейтрал моддалар перегринин ва маррубин ҳосиласи ажратиб олинган;

биринчи марта *Arctium leiospermum* ўсимлигининг тоғ минтақаси намуналаридан β -ситостерин, α -амирин ва ацетиламиринлар ажратиб олинган, уларнинг тузилиши исботланган ва идентификация қилинган;

Фарғона шувоклар намуналари эфир мойининг таркиби аниқланган;

биринчи марта Жанубий Фарғонанинг 40 дан ортиқ шифобахш ўсимликлари органик ва минерал таркибига кўра таснифланган;

ўсимликнинг организмга кўрсатадиган физиологик таъсири унинг таркибидаги кимёвий бирикмалар: алкалоидлар, стероидлар, терпенлар, макро ва микроэлементлар билан боғлиқлиги аниқланган;

ўсимликлар асосида тайёрланган айрим тўпламларнинг қон-томир, иммун ва организмнинг бошқа тизимларига бўлган таъсири исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

хайвонлар устидаги фармакологик тажрибалар фармаколог мутахассислар билан ҳамкорликда амалга оширилиб, доривор ўсимликларнинг турли намуналарининг организмга таъсири аниқланган. Юқори даражадаги иммуномоделловчи ва анемияга қарши фаолликка эга учта ва бешта манбадан тайёрланган биологик фаол озиқ-овқат қўшимчаси (БФҚ) ва уни тайёрлаш усули ишлаб чиқилган.

нейтрон-активацион таҳлил усули ёрдамида 40 та ўсимлик турларининг ҳар бирида 42 та макро ва микроэлементлар миқдори аниқланган. Жанубий Фарғона доривор ўсимликларини кимёвий таркиби ва улардан мақсадли фойдаланиш асосида турли хил таркибли доривор тўпламлар ишлаб чиқишга имкон берадиган маълумотлар базаси яратилган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги. Тадқиқот натижасида олинган илмий хулоса, тавсиялар биоорганик, органик кимёнинг классик ва кимёвий бирикмалар ўрганишининг замонавий ускунавий усуллари қўлланиши билан изоҳланади. Натижалар Жанубий Фарғонада ўсаётган 40-60 та ўсимлик намуналарида қайта текширилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти хомашёни даволаш ва профилактик таъсирини, унинг кимёвий компонентлари (қуйи молекуляр биорегулятор, макро ва микроэлементлар) билан бўлган корреляцион боғлиқлигини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти шундаки, Жанубий Фарғона шифобахш ўсимликларнинг кимёвий таркиби тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш натижасида ишлаб чиқилган мезонларга таяниб, тиббиёт амалиётида қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилганлиги бу борадаги фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жанубий Фарғона ўсимликларининг кимёвий таркибини тадқиқ қилиш бўйича олинган натижалар асосида:

уч хил ўсимликдан анемияга қарши фаолликка эга биологик фаол озиқ-овқат қўшимчаси (БФҚ) ва уни тайёрлаш усули «LINKAS FARM PLYUS» корхонасида амалиётга жорий қилинган (Соғликни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 5 февралдаги 012-1/174-сон маълумотномаси). Натижада «Bio-Gem» препаратини анемияга қарши фаолликка эга биологик фаол озиқ-овқат қўшимчаси эканлигини исботлаш имконини берган;

Жанубий Фарғона ўсимликларининг беш туридан иммунитетни оширувчи «Bio-Immun» препарати ва уни ишлаб чиқариш усули «LINKAS FARM PLYUS» корхонасида амалиётга жорий қилинган (Соғликни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 5 февралдаги 012-1/174-сон маълумотномаси). Натижада «Bio-Immun» препаратини иммунитетни оширувчи биологик фаол озиқ-овқат қўшимчаси эканлигини исботлаш имконини берган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзусида 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг кимё фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола республика ва 1 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш асослари келтирилган, нашр қилинган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг “**Физиологик фаол бирикмалар ҳамда макро ва микроэлементларни одам организмидаги аҳамияти**” деб номланган биринчи бобида таснифлаш мезони сифатида инсон организмида қуйи молекуляр биорегуляторлар ва кимёвий элементларнинг тиббий-гигиеник қўлланилиш муаммолари ёритилган. Бу масаланинг ҳозирги ҳолати бўйича адабиётлар шарҳи келтирилган. Кимёвий компонентларнинг умумий комплексида алкалоид, терпеноид, стероид, кумарин ва флавоноидларнинг биологик вазифаси ва аҳамияти алоҳида ўрганилган. Ўсимликни даволаш

мақсадларида қўлланилиши ва хомашё таркибидаги қуйи молекуляр биорегуляторларнинг хоссалари ўртасидаги корреляцияси мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Жанубий Фарғона ўсимликларининг органик ва минерал компонентларини таҳлили. Доривор ўсимликларни кимёвий таркибига кўра таснифлаш”** деб номланган иккинчи бобида ўрганилган ўсимликларнинг сифат анализи, органик компонентларининг таркиби таҳлили келтирилган. Эфир мойи фракциялари ва микроэлементлар тўғрисида маълумотлар баён қилинган. Қуйидаги айрим ўсимликлар хомашёсининг миқдорий анализ натижалари келтирилган.


Arctium leiospermum Jaz. et C.Serg. таркибига арктиин лигнанин, сесквитерпеноиди, кумарин, гиперозид, рутин, лютеолин, флавоноид, С витамини, каротин, кислоталар, алкалоидлар, эфир мойлар кириши ёритилган. Сесквитерпеноидларнинг йиғиндиси антибактериал ва антифунгал фаолликни намоён этиши, флавоноидлар йиғиндиси эса диурезни ошириши аниқланган.

Сифат таҳлили ўсимлик таркибида алкалоид, кумарин, флавоноид, стероидлар мавжудлигини кўрсатди.

Майдаланган куруқ хомашёнинг 5,25 килограммидан экстракция йўли билан 254 г (4,83%) тозаланмаган экстрактив моддалар йиғиндиси ажратиб олинди. Табiiй аралашмани ажратиш учун алюминий оксидида колонкали хроматография усули қўлланилди. Биринчи учта фракциядан ацетон ҳайдаб олингандан сўнг қолган моддалар суюқлик эканлиги аниқланди. Улар асосида эфир мойларининг ҳушбўй фракцияси ҳосил қилинди. Кейинги алоҳида бўлган фракциялардан $C_{29}H_{50}O$ таркибли, $139^{\circ}C$ суюкланиш ҳароратига эга бўлган оқ кристалл модда ажратиб олинди. ИҚ спектрда қуйидаги ҳолат: гидроксил гуруҳнинг молекулалараро водород боғлари тебраниши 3436 см^{-1} да (О-Н боғи тебраниши), С-Н тўйинган боғи 2975 см^{-1} да ва 2935 см^{-1} да, ҳамда С-О боғи 1216 см^{-1} кузатилди. Юқоридагилардан бу модда гидроксил гуруҳи тутувчи тўйинган углеводород эканлиги аниқланди.

Бирикманинг масс-спектри қуйидаги ион чўққиларини, (m/z (интенсивлиги,%): 414(M^{+} , 100%), 415($M^{+}+1$, 32%), 397($M-OH$, 10%), 396($M-H_2O$, 23%), 399($M-CH_3$, 19%), 381($M-H_2O-CH_3$, 13%), 329(17), 303(23), 272(18), 255(28)) кўрсатди. Спектрдан келиб чиқиб гидроксил гуруҳи, сув ҳамда бир қанча метил гуруҳлар параллел ва кетма-кет равишда ажралиши тўғрисида ҳулоса қилинди. Масс-спектрда ажратилган моддани тузилиши ҳақида фикр юритиш учун етарли маълумот бор. $M^{+}+1$ нинг 31%га эга интенсивлиги углерод таркиби қуйидагича эканлигини тасдиқлайди. $32:1,11=29C$. Жуфт сонли молекуляр масса молекула таркибида азот атоми йўқлигини кўрсатиб, бу моддани алкалоидларга хос сифат реакциялари билан тасдиқланди. Гидроксил гуруҳи борлигини инобатга олиб, моддага – $C_{29}H_{50}O$ молекуляр формула белгиланди. Тадқиқ қилинаётган модданинг терпеноидларга яқин бўлган молекуляр массаси, формуласи, ҳамда

модданинг эриш ҳарорати β -ситостеринга тўғри келади. Ҳақиқатдан ҳам, бирикма фрагментланиши таҳлили келтирилган маълумотларни (фаразлар) тасдиқлайди. 1-схемада фрагментланишнинг асосий йўналишлари ва асосий фрагмент ионларининг тузилиши кўрсатилган. Сувни ажралишидан сўнг m/z 396 ли ион пайдо бўлади. C17-C20 боғларининг узилишидан сўнг иккита парчаланган m/z 272 и 141(ва 142)ли ион пайдо бўлади. C-O ва C17-C20 боғларининг параллел узилишидан сўнг интенсивлиги жиҳатидан M+ва (M+1) дан кейин турадиган m/z 255 ион ҳосил бўлади. Юқорида таъкидланганлар бу модда β -ситостерин эканлиги ҳақида шубҳа қолдирмайди. Бу модда мойларни гидролизланмайдиган фракцияси компонентиدير. У 1938 йилда пахта ёғидан, 1945 йилда табиий каучук ва бошқа ўсимликлардан ажратиб олинган. Тадқиқ қилинаётган объектдан биринчи марта ажратиб олинган.



1-схема. β -ситостерин масс-спектрометрик фрагментланишининг асосий йўналишлари


Рехроматография натижасида ажратиб олинган бошқа модда 3450 см^{-1} соҳасида О-Н боғининг тебранишлари ҳамда $3000 - 2800\text{ см}^{-1}$ С-Н тўйинган

боғларининг ютилиш чизиғига эга бўлиб, гидроксил гурухга эга тўйинган бирикма эканлигини кўрсатади.

Спектр куйидаги ион чўққиларига эга, $m/z(\%)$: 426(48), 427(16) 411(6), 408(5), 364(9), 336(6), 218(57), 208(52), 203(20), 190(51), 173(16), 161(17), 160(13), 136(25), 135(46), 109(49), 97(62), 83(77), 69(100). Терпеноидлар учун хос бўлган, фрагментланишнинг сўнгги босқичида ҳосил бўладиган m/z 68 га битта изопрен (C_5H_8) ва m/z 136 га икки изопрен ($C_{10}H_{16}$) бирликлари орасидаги юқори интенсивликка эга чўққилардан ташқари спектрнинг қолган қисми амирин тузилишига мувофиқ келади.

Интенсивлиги молекуляр ионга нисбатдан 33% ни ташкил қиладиган m/z 427 ли ион чўққиси $(M+1)^+$ 30 та углерод атомига мос келади. Модда таркибида кислороднинг борлиги унинг молекуляр формуласи $C_{30}H_{50}O$ эканлигини кўрсатади.

Фрагментланиш асосий йўналиши иккита C9-C11 и C8-C14 аллил боғларининг узилишига боғлиқ. Бунинг натижасида иккита А ва Б парчаланган ион ҳосил бўлади. Уларни парчаланишидан сўнг пайдо бўлган иккиламчи ионлар амирин спектридаги деярли барча ионларнинг пайдо бўлишини изоҳлайди (2-схема).



2-схема. α -амирин масс-спектрометрик фрагментланишининг асосий йўналишлари

А ион гидроксил гуруҳини ўзига олган (m/z 208) А ва В ҳалқалардан ҳосил бўлади. Бу ион спектрдаги интенсивлиги бўйича энг юқори ионлардан бири эканлиги аниқланди.

Бу фрагмент сув ажралиб чиқишидан сўнг бир хил интенсивликка эга, m/z 190. Кейинги ионлар метил гуруҳи ажралиб чиқиши натижасида ҳосил бўлади. Б ион ўзининг таркибида D ва E ҳалқаларни сақлайди. Спектрда унга юқори интенсивликка эга m/z 218 ва метил гуруҳи ажралиши натижасида ҳосил бўладиган ионлар тўғри келади.

β-амирин ва α-амирин (биринчисида C₁₉ да метил гуруҳлари йўқ, C₂₀ да эса икки CH₃ – гуруҳлар мавжуд) қуйидаги хулосалар асосида фарқланди. Спиробирикмалардаги ва гемдиалмашган углеводородлардаги тўртламчи углерод атоми боғлари бошқа ҳосилаларникига нисбатан беқарордир. А фрагментдан (m/z 160) икки метил гуруҳини ажралиши, улардан бирини ажралишидан (m/z 175) устун туради. Б фрагментни парчаланиши асосан битта метил гуруҳини ажралиши билан (m/z 203) содир бўлади.

Ажратиб олинган учинчи модданинг масс-спектрида M⁺ 468 молекуляр ион чўққиси ҳамда m/z 409 ва 408 ли чўққилар мавжуд. Улар молекуляр иондан ацетат гуруҳининг (CH₃COO-) чиқарилиши билан юзага келади.

Бошқа ҳолатларда фрагментланиш α-амириндаги фрагментланиши билан бир хилдир. Бу ҳолат бирикманинг ИҚ спектри билан тасдиқланади, унда амиринни спектридан фарқли равишда О-Н боғини ютилиш чизиғи бўлмайди, аммо C-3 да ацетат гуруҳини борлиги билан боғлиқ мураккаб эфир карбонил гуруҳи ютилиш чизиғи намоён бўлади. Шундай қилиб, ажратиб олинган моддаларнинг спектрал таҳлили, уларни β-ситостерин, α-амирин ва ацетиламирин билан идентификация қилинишига ёрдам беради. Бу моддалар тадқиқ қилинган объектдан биринчи маротаба ажратиб олинди.

Амирин гликозидлари тонусни яхшиловчи фаол моддалар таркибига кириб, организмни умумий ҳолатини яхшилайти, иммунитетни мустаҳкамлайди. Таркибида амирин гликозидлари сақловчи ўсимликлар жинсий органлар шамоллаши ва бошқа кўплаб касалликларни даволашда ишлатилади. Сапонинлар кўпик ҳосил қилувчи сифатида кенг қўлланилади.

Marrubium anisodon C.Koch.

Адабиётларда ушбу ўсимлик таркибида аминоспирт холин, стахидрин алкалоиди, С витамини, флавоноидлар, антоцианлар, эфир мойлар ва Б. моддалар борлиги кўрсатилган. Тиббиётда ўсимликнинг ер-усти қисми, экстракти нафас йўллари касалликларини даволашда ва сувли эритмаси седатив, гипотензив, гемостатик таъсирга эга эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Қуруқ ўсимлик хомашёсининг 7,4 килограммидан 96% ли спирт эритмаси билан экстракция қилиниб 545 г (7,3%) экстракт моддалар ажратиб олинди, улар кислотали, фенолли, алкалоидли ва нейтрал моддаларга фракцияланди. Олинган алкалоидли фракция (7,1 г. асосли аралашма 0,09% қуруқ хомашё оғирлигига нисбатан) силикогель колонкасида хроматография қилинди. Элюент сифатида янги ҳайдалган эритувчилар: гептан, ацетон,


бензол, дихлорэтан, спирт ишлатилди. Охирги дихлорэтан-спирт элюатлардан суюкланиш ҳарорати 225-226°C (ацетон-этанол) эга булган модда ажратиб олинди. Бу модда стахидрин алкалоиди билан идентификация килинди.

Нейтрал моддалар фракциясини алюминий оксидли колонкада ажратилди, алоҳида фракцияларни кўп маротаба рехроматография килиниши натижасида катта игна шаклли, CCl₄ да яхши эрийдиган, бошқа эритувчиларда ёмон эрийдиган рангсиз кристал модда (1) ажратиб олинди. Кейинги фракциялардан оз миқдорда модда (2) ажратиб олинди. Бу моддалар спектрал тавсифланди:


1 - модда : M⁺346, таркиби C₂₀H₂₆O₅; 2 - модда: M⁺360, таркиби C₂₀H₂₄O₆

1 - моддани ИК спектрида О-Н ютилиш чизиқлари (3466см⁻¹), С-Н эса (2939-2871), С=О (1741-лактон ва мураккаб эфирли карбонил) га тўғри келади. 1505 см⁻¹ соҳасида фуран циклига хос чизик бор. УБ-спектрда 214 нм (lgε 3,71) чизиги кузатилди, бу ҳам фуран циклига хосдир.

Масс-спектрометрик фрагментация 1 ва 2 перегренин ва маррубин моддаларига хосдир. Бу моддалар ўзининг тузилишида фуран саклайди. Шундай килиб, стахидрин алкалоидидан ташқари нейтрал моддалар перегренин ва маррубин хосиласи ҳам ажратиб олинди.



Перегринин



Маррубин

Эфир мойлар.

1-жадвалда эфир мойини аниқлаш тажрибаси натижалари кўрсатилган.

1-жадвал

Фарғона шувокларидан эфир мойининг чиқиш унуми

№	Artemisia турлари	Терилган жой	Эфир мой чиқиш унуми, %
1	Artemisia Ferganensis (барги)	Шохимардон	2,83
2	Artemisia annua (пояси)	Шохимардон	2,24
3	Artemisia Ferganensis (пояси)	Водил	5,74
4	Artemisia annua (пояси)	Водил	5,32
5	Artemisia scoparia(барги)	Водил	0,199
6	Artemisia annua(пояси +корни)	Фарғона ш.	4,65
7	Artemisia annua (томири)	Фарғона ш	3,13


8	ArtemisiaFerganensis (барги, пояси, гули)	Водил	2,74
9	Artemisia annua (барги, пояси)	Фарғона ш	0,64
10	Artemisia scoparia (пояси)	Водил	2,42
11	Artemisia scoparia (барги)	Фарғона ш	4,91
12	Artemisia annua(барги +меваси)	Водил	4,65
13	Artemisia Ferganensis (барги)	Фарғона ш	0,81

Хроматомасс-спектрометрик тадқиқотлар натижасида ўрганилган шувокларни эфир мойли фракцияларини таркиби аниқланди (2- жадвал). Бошқа намуналарда 4-5- модда аниқланди.

2-жадвал



Artemisia ferganensis (барги) эфир мойининг кимёвий таркиби.

№	Модда номи		Ушлаш индекси	R/t	Area	Ratio%
	номи	лотинча номи				
1.	3-карен	3-carene	1002	12,049	0,538	0,6
2.	Камфен	Camphene	1074	12,635	3,359	3,76
3.	1-метил-3-(1-метилэтил) бензол (п-цимол)	Benzene 1- methyl-3-(1- methylethyl)	1457	15,869	2,897	3,25
4.	Эукалиптол	Eucalyptol	1494	16,175	32,634	36,62
5.	3- мелил-2,4-гексадиен	2,4-Hexadiene-3-methyl	1520	16,400	1,835	2,05
6.	3,5,5-триметилциклогексен-2-он-1.	3,5,5-trimethylcyclohex-2-en-1-one	1931	19,867	2,266	2,54
7.	4-бутилфенол	Phenol 4-butyl	1953	20,044	2,753	3,08
8.	Камфора	Camphor	2050	20,878	39,245	44,04
9.	(1S)1,7,7-триметил [2.2.1] бициклогептан-он-2	Bicyclo [2.2.1] heptan-2-one, 1,7,7-trimethyl-,(1S)-	2123	21,669	1,873	2,10
10.	1,8-диметил-7-оксо-6-оксабицикло [3.2.1]окт-2-ен-8-карбин кислота метил эфири	6-Oxabicyclo [3.2.1] oct-2-ene-8-carboxylic acid, 1,8-dimethyl-7-oxomethylester anti- (.+/-) -	2832	27,485	1,700	1,90




α -пинен

т.кип=155-156°C




β -пинен


т.кип=162-164°C




Камфен




1,3,5-триметил бензол




Эукалиптол




Туйон




4- метил-1-(1-метилэтил)
бицикло [3.1.0]гексан-3он




3,5,5-триметил
циклогексен-2-он-1




1(S).7,7-триметилбицикло
[2.2.1] гептан-2-он




Камфора




цимол




4-этил-3,4-диметил-2,5
-циклогексадиен-1-он




1-метил-3-изопропил
бензол (цимол)




1,8-диметил-7-оксо-6-оксабицикло
[3.2.1]окт-2-ен-8-карбин кислота
метил эфири



3,5,5-триметилциклогекс-ен-2-он-1.



4-бутилфенол



(1S)1,7,7-триметил
[2.2.1] бициклогептан-2-он

Вегетация даврида *Artemisia ferganensis* органларида микроэлементлар миқдорининг динамикасини тадқиқ қилиш.

Тадқиқот учун танлаб олинган объектнинг тоғли ҳудудларидан июн-сентябр ойларида тайёрланган Фарғона шuvoғининг намуналари олинди.

Саноат корхоналари ва аҳоли ҳудудларидан 30-60 км узоқликда ўсаётган ўсимликлар ишлатилди. 5-10 та намуналар ўсимлик органларидан ажратиб олинди. Намуна танлаш учун бундай ёндашув ўсимлик тўқимасининг хилма-хиллигини таъминлади.

Фарғона шuvoғида микроэлементлар миқдори Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ядро физикаси илмий-тадқиқот институтининг илмий лабораториясида нейтрон-активацион усули ёрдамида аниқланди. Олинган маълумотларга кўра, барглардаги Cr, Mn, Fe, Cu, Zn, Mo нинг максимал миқдори оммавий гуллаш даврига тўғри келади. Томирлардаги Fe ва Co нинг максимал тўпланиши шоналаш даврида кузатилади ва барглардаги Se нинг максимал тўпланиши мева бериш даврида кузатилади. Поядаги Cr нинг максимал миқдори гуллаш даврида кузатилади.

Олинган натижалардан кўринадики, *Artemisia ferganensis* нинг микроэлемент таркиби ўсимликнинг органлари бўйича фарқланади, уларнинг тўплами вегетация даврига боғлиқ.

- *Artemisia ferganensis* микроэлемент таркибининг экспериментал маълумотлари бу ўсимлик хомашёсини тайёрлашни микроэлементлар миқдори максимал бўлган оммавий гуллаш даврида амалга ошириш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди.

- Адабиёт маълумотлари билан солиштириш *Artemisia Ferganensis* да микроэлементлар миқдори шuvoқнинг Сибирдаги турларига караганда сезиларли даражада юқори эканлигини кўрсатди.

Даврий системада жойлашувига кўра ўсимликларда тўпланаётган кимёвий элементларининг тарқалганлигини ўрганиш.

Artemisia ferganensis ва *Artemisia annua* ларнинг макро ва микроэлемент таркибини аниқлаш ҳамда Д.И.Менделеевнинг даврий системада жойлашувига кўра ўсимликларда тўпланаётган кимёвий элементларининг тарқалганлигини ўрганиш мақсадида:

Шувоқ ўсимлиги иккита турининг (бир йиллик ва Фарғона тури) вегетатив қисмлари тадқиқот учун материал сифатида олинди. Ўсимликлар август ойида, гуллаш даврида Водил қишлоғининг тоғли ҳудудларидан териб олинди. Макро ва микроэлементларнинг кўп миқдорда тўпланиши шувоқ гуллаш даврида кузатилди.

Шувоқларнинг органларида 32 та макро ва микроэлементлар борлиги аниқланди. Аниқланган натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, Na, Cl, K, Ca, Mn, Fe, Co, Sr, Ba нинг сезиларли даражада миқдори иккала турининг барча органларида кўп тўпланиши аниқланди. Бошқа макро ва микроэлементлар жуда оз миқдорда учраши кузатилди.

Миқдорий таркиб бўйича маълумотлар умумий таъриф ва қонуниятга эга эканлиги аниқланди:

1. Na, Cl, K, Ca, Mn, Fe, Co, Sr, Ba каби макро ва микроэлементлар энг кўп миқдорда учраши аниқланди.

2. Шувоқ органларида Д.И.Менделеев даврий системасининг бошида (1,2-гурух) ва охирида (7,8-гурух) жойлашган элементлари энг кўп миқдорда тўпланиши кузатилди.

3. Ўсимликлардаги элементлар миқдори тартиб рақами (ядро заряди) ўсиши билан камаяди.

4. Айтиб ўтилган турларда макро ва микроэлементлар тўпланишининг қонунияти аниқланди. Кўп миқдорда учраш флукутацияси Менделеев жадвалидаги тартиб рақами 6 сонига қаррали бўлади. Бу шувоқларнинг иккала турига ҳос бўлган ҳолат. Биринчи энг юқори максимум калий ва кальцийда кузатилади (20-чи элемент). Кейинги максимум темирда ($20+6=26$), бундан сўнг стронцийда ($26+2\times 6=38$), кейингиси барийда ($38+3\times 6=56$) кузатилади. Бу ҳолат организм хужайраларининг махсус тузилмаларининг ва улар билан ўзаро таъсир қилган тегишли элементларни сақлаган бирикмалар нисбий ўлчамига боғлиқ.

Кимёвий таркибига кўра ўсимликларнинг тиббий-гигиеник таснифлаш тамойил ва мезонларини ишлаб чиқиш ёритилди. Кимёвий тузилишини инобатга олган ҳолда синдромлар ва касалликлар, ҳамда микроэлементлар миқдорий таркиби бўйича таснифлашлар кўриб чиқилди. Гигиеник таснифлаш ва ўсимликлар кимёвий ҳавфсизлигини аниқлаш мезонлари сифатида оғир металл ва токсик элементларининг мумкин бўлган чегаравий миқдорида ишлатиш масалалари алоҳида ўрганилди.

Фарғона водийсида ўсаётган ўсимликлар ҳар хил турларининг органларидан олинган тўпламлар асосида организм кимёвий меъёрларини

коррекциялаш имконияти ва даволаш хусусиятларига эга бўлган кўп компонентли ўсимликлар тўпламларини лойиҳалаштириш масалалари тадқиқ қилинди. Микроэлементлар ўзаро нисбати организм физиологик эҳтиёжларига жавоб берадиган ҳолда компонентнинг миқдорий таркибини аниқлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Ишлаб чиқилган таснифлаш усуллари ва баъзи микроэлементларни коррекцияси учун лабораторияда ҳайвонлар ёрдамида ишлаш эксперименти шароитида яратилган кўп компонентли ўсимликлар тўпламларини самарадорлигини текшириш натижалари кўрсатилган. Фарғона водийсида ўсаётган доривор ўсимликларининг вегетатив органларидан тайёрланган тўпламларнинг анемияга қарши хусусиятлари ўрганилган. Натижада иммунитетни оширувчи фитоэкстрактлар ёрдамида биологик фаол кўшимчалар яратилган.

Диссертациянинг **“Жанубий Фарғона ўсимликлари таркибидан органик ва минерал компонентларни ажратиб олиш ва миқдорини аниқлаш тадқиқотлари”** деб номланган учинчи бобида тадқиқот объекти ва усуллари, Жанубий Фарғона доривор ўсимликлари таркибидаги биологик фаол моддаларнинг сифат ва миқдорий анализ натижалари, ўсимликларнинг вегетатив органларидаги макро ва микроэлементларнинг миқдорий таҳлил натижалари келтирилган. Ўсимликларнинг қуруқ қисмларини экстракция қилиш, моддаларни ажратиб олиш, тозалаш тажрибалари тўлиқ баён этилган.

ХУЛОСАЛАР:

“Жанубий Фарғона доривор ўсимликларининг кимёвий таркибига кўра таснифлаш” мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Жанубий Фарғона шифобахш ўсимликларининг қуйи молекуляр биорегулятор сақлашига сифат ва миқдор анализ натижасида улар таркибида алкалоид, терпеноид, стероид, флавоноид тузилишли моддалар мавжудлиги исботланди. Икки тур ўсимликлар таркибидан олти индивидуал органик компонентлар ажратиб олинди ва тавсифланди.

2. *Artemisia Ferganensis*, *Artemisia Annu* ва *Artemisia scoparia* ўсимлик турларининг жами 14 та намунасида эфир мойи фракциясининг унуми ҳамда компонент таркиби исботланди (β -пинен, лимонен, 3-камфен, эуколиптол, камфора, туйон, 4-бутилфенол, 3,5,5 –триметилциклогекс-2-ен-1-он, 1-метил-3-(1-изопропил)-бензол, ва бошқа). Ушбу хомашё хушбўй моддалар манбаси сифатида тавсия этилди.

3. Ўрганилган 40 тур ўсимликларнинг 60 га яқин намуналарини ҳар бирида 42 та макро ва микроэлементлар миқдори исботланди. Тавсифланган хомашё макро ва микроэлементларнинг самарали манбалари сифатида тавсия этилди.

4. Таъкидлаб ўтилган турларда макро ва микроэлементлар тўпланишининг қонуниятлари аниқланди. Д.Менделеев жадвалининг тартиб рақами 6 сонига қаррали элементлар кўп миқдорда бўлиши кўрсатилди. Бундай ҳолат рецепторлар ва улар билан ўзаро таъсирлашувда бўлган кимёвий бирикмаларни нисбий ўлчамларига боғлиқлиги билан тушинтирилди.

5. Фарғонада ўсаётган доривор ўсимликлар таркибидан уч ва беш хил ўсимлик тўпламларидан тайёрланган иккита препаратлар яратилди ва улар саноат миқёсида ишлаб чиқариш учун тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ PhD
27.06.2017.К.05.01 ПРИ ФЕРГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ФЕРГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

ИГАМБЕРДИЕВА ПАРИЗОД КАДИРОВНА

**МЕДИКО-ГИГИЕНИЧЕСКАЯ КЛАССИФИКАЦИЯ ЛЕКАРСТВЕННЫХ
РАСТЕНИЙ ЮЖНОЙ ФЕРГАНЫ НА ОСНОВЕ ХИМИЧЕСКОГО СОСТАВА**

**02.00.09 – Химия товаров
(химические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Фергана – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по химическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером: В.2017.1.PhD/K14.

Диссертация выполнена в Ферганском государственном университете

Аннотация диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице по адресу www.ФерГУ и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz)

Научный руководитель:

Ибрагимов Алиджан Аминович
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Пулатова Лола Таирхановна
доктор технических наук

Исаков Мухамеджан Юнусович
кандидат химических наук, доцент

Ведущая организация:

Андижанский государственный университет

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 года в ___ часов, на заседании Научного совета PhD. 27.06.2017.K.05.01 при Ферганском государственном университете (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, 19. Тел. (99873) 244 -44- 02, факс: (99873) 244- 44-91).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ферганского государственного университета (регистрационный номер №_____) (Адрес: 150100 г. Фергана, ул. Мураббийлар, 19. Тел. (99873) 244-44-02, факс: (99873) 244-44-91, e-mail: alijon.ibragimov.48@mail.ru).

Аннотация диссертации разослана «___» _____ 2018 года
(реестр протокол рассылки №__ от «__» _____ 2018 года).

В.У.Хужаев

Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.х.н.

Ш.А. Мамажанов

Учёный секретарь научного
совета по присуждению учёных
степеней,
к.п.н., доцент

И.А.Абдугафуров

Председатель научного
семинара при Научном Совете по
присуждению учёных степеней, д.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Мировая практика показывает, что повсеместно методам лечения с использованием целебных трав уделяется особое внимание. В настоящее время 40% фармацевтической продукции производится из растительного сырья. По данным всемирной организации здравоохранения в предстоящее десятилетие доля фитопрепаратов повысится до 60% от общего потребления. В связи с этим важное значение приобретает выделение из растений физиологически активных веществ, определение химического состава сырья и биологической активности его компонентов, исследование фармакологически перспективного растительного сырья, содержащего новые биологически активные вещества.

Во всём мире на протяжении столетий в народной медицине, а позже и в научной медицине для лечения различных недугов широко используют экстракты, настойки, брикеты, искусственные смеси и сборы. Такие препараты имеют ряд преимуществ перед лекарственными средствами индивидуального состава, такие как низкая себестоимость, мягкое действие, отсутствие, как правило, аллергического эффекта, доступность, нативность, и.т.д. Кроме этого, суммарные препараты используются не только в качестве лечебных средств, но и как биологически активные пищевые добавки.

В нашей стране уделяется большое внимание охране здоровья населения, целенаправленному развитию фармацевтической промышленности, обеспечению населения и лечебных учреждений эффективными, безвредными, доступными по цене лекарственными и адаптогенными средствами. Основным приоритетом развития фармацевтической промышленности должно быть снижение доли завозимых лекарственных средств и увеличение объёмов производства продукции местной фармацевтической промышленности, обеспечение её конкурентоспособности. “Создание благоприятных условий для эффективной реализации зарубежных и местных инвестиционных проектов, направленных на развитие фармацевтической отрасли Республики, принимая во внимание наличие исключительных условий для производства лекарственно-технического сырья, необходимость насыщения рынка высококачественными лекарственными средствами местного производства, а также с целью создания фармацевтической продукции с высокой добавленной стоимостью в результате глубокой переработки сырья, создать свободные экономические зоны “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм” и “Паркент-фарм”, что явилось стержневым направлением развития отрасли². В рамках данного направления исследование химических

² Указ Президента Республики Узбекистан от 3 мая 2017 года “О создании свободных экономических зон “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлиқ-фарм” и “Паркент-фарм””. Lex.uz

компонентов местных растений и создание на их основе дешёвых суммарных препаратов является важной практической задачей.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит также выполнению задач, предусмотренных Постановлением Президента Республики Узбекистан ПП-2647 от 31 октября 2016 года «О мерах по дальнейшему улучшению обеспечения населения лекарственными средствами и изделиями медицинского назначения», Указом Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики Узбекистан: VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Без связи с химическим составом растения с древнейших времён используются для лечения различных патологий. С даты начала научной органической химии на протяжении последующих 200 лет более или менее детально изучен химический состав огромного числа представителей флоры Земли. В этом процессе открыто множество новых структур и реакций, созданы уникальные лекарства. Весомый вклад внесли А.П.Орехов, М.М.Шемякин, Ю.А.Овчинников, P.Karrer, W.Pelletier, K.Nakanisi, H.Xusson, R.B.Woodvord, С.Ю.Юнусов, А.С.Садыков, Ш.И.Салихов, Х.Н.Арипов.

Учитывая более короткий и экономичный путь доведения «субстанции» до статуса лекарства, наряду с оригинальными препаратами наблюдается устойчивая тенденция внедрения в медицинскую практику также суммарных препаратов. В этом направлении определённых успехов добились узбекские учёные фармакологи Ф.С.Садриддинов, А.Г.Курмуков, Н.Т.Туляганов, Х.А.Алиев, Ф.Н.Джахангиров.

Классическим подходом к созданию лекарственных средств является цепочка ботаник - химик – фармаколог - технолог. В центре исследований данной цепочки стоит неизученность химического состава конкретного растения. Однако, обзор научных исследований, опубликованных в международных изданиях в последние десятилетия, указывает на новую тенденцию в исследованиях, когда в основу создания препарата ставится лечебное действие растения. Примером может служить выпускаемое фармацевтической компанией «Bionogica» эффективное урологическое средство Канефрон, состоящее из водно-спиртовых экстрактов трёх растений. Подобный подход от применяемого издревле сырья к конкретному препарату ранее был использован при создании препарата «псоберан» в Институте химии растительных веществ.

В настоящей диссертационной работе разработана общая методика комплексного использования лекарственных трав Южной Ферганы для

лечения и предупреждения различных заболеваний с учётом содержания в сырье как органических, так и неорганических компонентов.

